

**Дори-дармон етказиб бериш шартномаси № 10**

**Самарканд шаҳри**

ООО "SAMARKAND-IDEAL PHARM", кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи директор М.Ж. Жалолов, номидан, бир томондан ва Самарканд ТТБ осойишталик маркази, кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи Сувонов.Т, номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

«24» «январ» 2022 йил

**1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ**

1.1. Етказиб берувчи ўзига тегишли бўлган товар(дори-дармон воситалари)ни ушбу спецификацияга асосан Буюртмачига ў вақтида сифатли қилиб етказиб бериш, Буюртмачи эса товар(дори-дармон воситалари)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Дори воситалари номи	У/Б	Сони	Нархи	Баҳоси	ККС	Сумма
1	Перчатки нестерильные	шт	5000	1 100	5 500 000	ККС сиз	5 500 000
2	Кичик веналарга қуйиш учун бир маротаба кулланиладиган стерил "игна капалак" катетери Катетер бабочка	шт	1000	1 200	1 200 000	ККС сиз	1 200 000
3	Фoley, Нелатон катетрлари (Катетер Foley №22,20)	шт	200	17 100	3 420 000	ККС сиз	3 420 000
4	Катетер венозный №14	шт	500	4 300	2 150 000	ККС сиз	2 150 000
5	Диагностик утказувчилар (Зонд желудочный раз № 8, 18)	шт	100	10 000	1 000 000	ККС сиз	1 000 000
6	Кислородный катетер	шт	300	12 000	3 600 000	ККС сиз	3 600 000
7	Скарификатор одноразовый стерильный	шт	5000	250	1 250 000	ККС сиз	1 250 000
8	Шпатели одноразовые	шт	1000	600	600 000	ККС сиз	600 000
9	Индикатор (наруж/внутренний) 132/20	шт	5	450 000	2 250 000	337 500	2 587 500
10	Йугон томир учун катетеризация туплами (Катетеры центральные венозные (5F, 7F)	шт	5	439 500	2 197 500	ККС сиз	2 197 500
					<b>23 167 500</b>	<b>337 500</b>	<b>23 505 000</b>
<b>Жами: 23 505 000 (Йигирма уч миллион беш юз беш минг сум 00 тийин)</b>							

**2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ**

2.1. "Буюртмачи" мазкур шартномани ғазначилик бошқармасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 3 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30% миқдориди (шартнома суммасидан миқдориди) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товарни олгандан сўнг банк иш куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.

2.2. "Етказиб берувчи" аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 3 банк иш куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. "Етказиб берувчи" амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. "Буюртмачи" товарларни қабул қилишда "Етказиб берувчи" иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган товарларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

**3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

Етказиб берувчидан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартлариджа бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;

- камчиликларни беғараз бартарф этиш;

- Етказиб берувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларни қабул қилиш;

- товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.